



# **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI**

Farg'ona sh., Alisher Navoiy ko'chasi, 15-uy

2021-yil 18 - январь 15 -son

Farg'ona sh.

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги ПҚ-4951-сонли қарори тўғрисида**

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳудудларда ҳуқуқ устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш борасидаги масъулиятини кучайтириш, тегишли халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимизнинг ўрнини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4951-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4951-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Олий Мажлис Сенати, Адлия вазирлиги ва Олий суднинг республика ҳудудларида ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини рейтинг асосида баҳоловчи Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини (кейинги ўринларда — Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланганлиги;

Бунда, Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси қуйидаги йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичлар ва ўтказиладиган ижтимоий сўровлар натижалари асосида аниқланади:

қонун ҳужжатларига риоя қилиниши;

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши;

одил судлов ва суд қарорларининг ижро этилиши;

ҳуқуқ-тартибот ўрнатилганлиги ва хавфсизликнинг таъминланганлиги;

маҳаллий ижро органлари фаолиятининг самарали назорат қилиниши;

коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлиги;

ҳокимият институтларининг шаффофлиги;

Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини акс эттирувчи индикаторлар 1-иловага мувофиқ;

Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш «Huquq ustuvorligi» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — Тизим) орқали қуйидаги тартибда амалга оширилиши:

а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Тизимга тегишли статистик маълумотлар ҳар йили 1 февралга қадар киритиб борилиши;

б) Адлия вазирлиги томонидан:

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда тегишли мезонлар бўйича ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Тизим орқали аҳоли ва соҳа мутахассислари ўртасида ҳуқуқ устуворлиги таъминланганлик ҳолатига оид ижтимоий сўровлар ҳар йили 1 мартга қадар ўтказилиши;

Тизимга киритилган маълумотлар умумлаштирилган ҳолда ўтган ҳисобот йили учун Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси ҳар йили 1 майга қадар тузилиши;

Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси натижалари бўйича ахборот Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис палаталари, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига ҳар йили 15 майга қадар киритиб борилиши ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши;

в) Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси натижалари бўйича ахборот Олий Мажлис палаталари, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида ҳар йили 15 июнга қадар муҳокама қилиниши белгиланганлиги инобатга олинсин.

4. Вилоят адлия бошқармаси (Б.Хасанов):

Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлашда иштирок этувчи масъул идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда Тизим оператори вазифасини бажаради;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексидан паст натижаларга эга бўлган субъектларни аниқлайди, тегишли индикаторлар бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилади ва уларнинг сабабларини ўрганади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқади

ҳамда уларни амалга ошириш чораларини кўради.

5. Фарғона вилояти суди (Ш.Камолов), Ички ишлар бошқармаси (Д.Ташходжаев) ҳамда бошқа масъул идора ва ташкилотлар раҳбарлари:

Тизимга маълумотларнинг ўз вақтида киритилишига, шунингдек статистик маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашда;

Адлия вазирлигининг мурожаатига асосан сўровларда иштирок этувчи потенциал респондентларни жалб қилиш ҳамда тегишли маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

6. Шаҳар ва туман ҳокимлари Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом ва унинг иловасида белгиланган чора-тадбирларни ижроси бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

Туман ва шаҳар адлия бўлимлари мазкур қарорни ижрочиларга ва аҳолига моҳияти ва мазмунини тушунтирсин ҳамда қарорда белгиланган вазифаларни сифатли ижро этилишида ҳокимликларга амалий ёрдам кўрсатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорида белгиланган вазифа ва тадбирларни амалга ошириш бўйича вилоят “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вилоят ҳокими ўринбосарлари ва котибият мудирлари, гуруҳ раҳбарлари, бошқарма ва ташкилотлар “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар бўйича шахсан жавобгар этиб белгилансин.

8. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашларига Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси натижалари бўйича ахборотни танқидий муҳокама қилишни ташкил этиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсан жавобгар этиб вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Б.Хасанов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Убайдуллаев ва гуруҳ раҳбари Х.Каримов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига 2021 йил 1 августга қадар ахборот берилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 14 январдаги ПҚ-4951-сон қарорига  
1-илова**

**Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини акс эттирувчи  
ИНДИКАТОРЛАР**

**1. Ҳудудларда қонун ҳужжатларига риоя қилиниши.**

1.1. Қонун ва қонуности ҳужжатларнинг ҳудудларда ижро этилиши аҳволи.

1.2. Маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилиши ҳолати.

1.3. Мулк ҳуқуқи дахлсизлигининг таъминланганлиги.

**2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши.**

2.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қийноқлар ва асоссиз ушлаб туриш ҳолатлари.

2.2. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳуқуқларини амалга оширишда тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги.

2.3. Фикр ва сўз эркинлигидан фойдаланган фуқаролар ва журналистларга нисбатан босим ўтказиш ҳолатлари.

2.4. Шахсий ҳаётга ўзбошимчалик билан аралашиш ҳолатлари.

2.5. Фуқаролик жамияти институтларининг ривожланганлиги.

2.6. Асосий меҳнат ҳуқуқларининг (иш ҳақи, иш вақти, мажбурий меҳнат ва бошқалар) таъминланганлиги.

**3. Одил судлов ва суд қарорларининг ижро этилиши.**

3.1. Аҳолининг судлар орқали ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш имкониятидан фойдаланиши.

3.2. Аҳолининг суд қарорлари ҳолислигидан қаноатланиши.

3.3. Аҳолининг суд органларида коррупция аломатлари мавжудлиги ҳақидаги тасаввурлари.

3.4. Судларнинг давлат органлари таъсиридан хоилилиги.

3.5. Судлар томонидан процессуал муддатларга риоя қилиниши.

3.6. Суд қарорларининг лозим даражада ижро этилиши.

**4. Ҳуқуқ-тартибот ўрнатилганлиги ва хавфсизликнинг таъминланганлиги.**

4.1. Ҳудудларда жиноятчилик даражаси.

4.2. Ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги.

4.3. Ҳудуддаги жиноятларни аниқлаш ва уларга қарши самарали чоралар кўрилиши.

4.4. Фуқароларнинг адолатни "шахсан" қарор топтиришга мойиллиги.

## **5. Маҳаллий ижро органлари фаолиятининг самарали назорат қилиниши.**

5.1. Халқ депутатлари Кенгаши томонидан ҳокимликлар фаолиятининг назорат қилиниши.

5.2. Маҳаллий ижро органлари қарорлари билан боғлиқ низоларнинг маъмурий судларда кўриб чиқирилиши.

5.3. Маҳаллий ижро органлари масъулларининг содир этган ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлиги таъминланиши.

5.4. Маҳаллий ижро органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати.

## **6. Коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлиги.**

6.1. Ижро органлари мансабдор шахслари томонидан мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг мавжудлиги.

6.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг мавжудлиги.

6.3. Ижтимоий соҳада коррупциянинг тарқалганлик даражаси.

6.4. Давлат хизматларини кўрсатишда коррупциянинг тарқалганлик даражаси.

6.5. Қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик ва маҳаллийчилик унсурларининг намоён бўлиш ҳолатлари.

## **7. Ҳокимият институтларининг шаффофлиги.**

7.1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг очиқлиги.

7.2. Маҳаллий ижро органлари томонидан фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи таъминланганлиги.

7.3. Фуқароларнинг маҳаллий даражадаги қарорларни қабул қилиш жараёнидаги иштироки.

7.4. Мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари устидан шикоят бериш механизмларидан самарали фойдаланилиши.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 14 январдаги ПҚ-4951-сон қарорига  
2-илова**

**Ўдудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом республика ҳудудларида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини рейтинг асосида баҳолаш натижасида Ўдудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**индикаторлар** – ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини акс эттирувчи асосий устувор кўрсаткичлар;

**субиндикаторлар** – индикаторлар бўйича баҳоларни шакллантиришда фойдаланиладиган аниқ соҳалар бўйича кўрсаткичлар;

**баҳолаш мезонлари** – субиндикаторларни баҳолашда инобатга олиннадиган ижтимоий муносабатлар соҳалари бўйича респондентларнинг баҳолари ва кўрсаткичлардаги ўзгаришлар;

**респондент** – ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини аниқлашда ўтказиладиган сўровда иштирок этиш учун танлаб олинган шахс;

**респондент-аҳоли** – ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини аниқлашда ўтказиладиган сўровда иштирок этиш учун аҳоли орасидан танлаб олинган жисмоний шахс;

**респондент-эксперт** – ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини аниқлашда ўтказиладиган сўровда иштирок этиш учун тегишли соҳада фаолият юритаётган малакали мутахассислар орасидан танлаб олинган жисмоний шахс.

3. Ўдудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш ва унинг натижаларидан фойдаланиш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ қонунийлик, ошкоралик, шаффофлик, холислик, адолатлилик ва тенглик тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

**II боб. Ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини баҳолашнинг  
устувор соҳалари ва уларни баҳолаш тартиби**

4. Индикаторлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар (шаҳарлар) бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

$S_n$  – сўровда берилган жами саволлар сони.

13. Ушбу Низомга 2-илова 1.1, 1.2, 1.3, 2.1-бандларининг статистик кўрсаткичларга асосланган баҳолаш мезонлари, 2.2-бандининг 2.2.1.6, 2.2.3.6, 2.2.4.6, 2.2.5.6-баҳолаш мезонлари, 2.3, 2.4, 2.6, 3.2-бандларининг статистик кўрсаткичларга асосланган баҳолаш мезонлари, 3.3-бандининг 3.3.2.а, 3.3.2.б, 3.3.2.в, 3.3.2.г, 3.3.3.6-баҳолаш мезонлари, 3.4, 3.5, 3.6, 4.1-бандларининг статистик кўрсаткичларга асосланган баҳолаш мезонлари, 4.3-бандининг 4.3.1.б, 4.3.2.а, 4.3.2.б-баҳолаш мезонлари, 4.4-бандининг статистик кўрсаткичларга асосланган баҳолаш мезонлари, 5.1-бандининг 5.1.1.а-баҳолаш мезони, 5.2, 5.3, 6.1, 6.2, 6.3, 6.4, 6.5, 7.2-бандларининг статистик кўрсаткичларга асосланган баҳолаш мезонлари, 7.3-бандининг 7.3.1.б-баҳолаш мезони, 7.4-бандининг 7.4.1.а, 7.4.2.б-баҳолаш мезонлари қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

14. Ушбу Низомга 2-илова 2.2-бандининг 2.2.2.6-баҳолаш мезони, 2.5, 3.1-бандларининг статистик кўрсаткичларга асосланган баҳолаш мезонлари, 3.3-бандининг 3.3.3.а-баҳолаш мезони, 4.2-бандининг статистик кўрсаткичларга асосланган баҳолаш мезонлари, 4.3-бандининг 4.3.1.в, 4.3.2.в-баҳолаш мезонлари, 5.1-бандининг 5.1.2.а-баҳолаш мезони, 5.4-бандининг 5.4.1.б, 5.4.2.а, 5.4.2.б, 5.4.2.в, 5.4.2.г, 5.4.2.д, 5.4.2.е, 5.4.2.ё-баҳолаш мезонлари, 7.1-бандининг 7.1.2.б, 7.1.3.б-баҳолаш мезонлари, 7.3-банднинг 7.3.2.б, 7.3.3.б-баҳолаш мезонлари, 7.4-бандининг 7.4.3.а-баҳолаш мезони қуйидаги формула асосида ҳисобланади:



$$M_i = (((K_h - K_{min}) / (K_{max} - K_{min})) \times (100 - 10)) + 10$$

бунда:

$M_i$  – ижобий мезон миқдори;

$K_h$  – баҳоланаётган тегишли ҳудуднинг мезон кўрсаткичи;

$K_{min}$  – баҳоланаётган мезон бўйича барча ҳудудлар орасида энг паст сон миқдорида эга бўлган ҳудуднинг кўрсаткичи\*\*;

$K_{max}$  – баҳоланаётган мезон бўйича барча ҳудудлар орасида энг юқори сон миқдорида эга бўлган ҳудуднинг кўрсаткичи\*\*\*.

**\*\*Ушбу Низомга 2-илова 4.3-бандининг 4.3.1.в, 4.3.2.в-баҳолаш мезонлари бўйича кўрсаткичи салбий бўлган ҳудудларда  $K_{min}$  “ноль”га тенг бўлади.**

**\*\*\*2021 йил якунларидан бошлаб ҳудудларнинг кўрсаткичларидаги ўзгаришлар бундан олдинги йилдаги ҳар бир мезон учун аниқланган  $K_{max}$  дан келиб чиқиб ҳисобланади. 2023 йил якунларидан бошлаб, кейинги йил учун  $K_{max}$  бундан олдинги уч йилдаги  $K_{max}$  нинг ўртача миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.**

15. Ушбу Низомга 2-илова 5.1-бандининг 5.1.3.а-баҳолаш мезони, 5.4-бандининг 5.4.2.ж-баҳолаш мезони, 7.1-бандининг 7.1.1.б, 7.1.4.б-баҳолаш мезонлари қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M_f = (K_h / K_{max}) \times 100$$

бунда:

$M_f$  – фоизда ҳисобланадиган мезон миқдори;

$K_h$  – баҳоланаётган тегишли ҳудуднинг мезон кўрсаткичи;

$K_{max}$  – баҳоланаётган мезон бўйича қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар сони.

16. Сўров ва статистик маълумотлар асосида баҳоланадиган мезонлар қуйидаги тартибда ягона сон миқдорида келтирилади:

$$M = (M_q + M_s + M_i + M_f) / R_n$$

бунда:

$M$  – баҳоланаётган мезон миқдори;

$R_n$  – баҳоланаётган манбалар сони.

17. Баҳоланаётган мезонлар миқдори аниқлангандан сўнг, субиндикаторлар қуйидагича ҳисобланади:

$$I_s = (M_1 + M_2 + \dots + M_n) / n$$

бунда:

$I_s$  – субиндикатор балли;

$M_1, M_2, M_n$  – субиндикаторни баҳолаш мезонлари миқдори;

$n$  – субиндикаторни баҳолашдаги жами мезонлари сони.

18. Тизимга киритилган маълумотлар умумлаштирилган ҳолда ўтган ҳисобот йили учун Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси ҳар йили 1 майга қадар тузилади.

### **III боб. Ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини баҳолаш натижаларини тақдим этиш ва улардан фойдаланиш**

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси натижалари бўйича ахборот тайёрлайди ва ҳар йили 15 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис палаталари ва Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига киритади ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади.

20. Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси натижалари бўйича ахборот Олий Мажлис палаталари, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида ҳар йили 15 июнга қадар муҳокама қилиб борилади.

21. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ушбу Низомга 3-иловада кўрсатилган тақсимотга кўра, Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси индикаторлари бўйича аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

### **IV боб. Яқунловчи қоидалар**

22. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш тенденцияларидан келиб чиқиб, Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш тизими такомиллаштирилиб борилиши мумкин.

23. Мазкур Низомга 2-иловада назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга масъул бўлган идора ва ташкилотлар томонидан Тизимга ишончсиз ёки нотўғри маълумотларни киритиш, шунингдек, уларни ўз вақтида киритмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, тегишли раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилади.

Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини  
аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш ва натижаларидан фойдаланиш схемаси  
СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар                                                                                                                                  | Амалга ошириладиган тадбирлар                                                                                                       | Муддатлари                |
|-----------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------|
| 1-босқич  | Масъул вазирлик<br>ва идоралар                                                                                                              | Тегишли статистик маълумотларни шакллантиради.                                                                                      | Ҳар йили 25 январга қадар |
|           |                                                                                                                                             | Шакллантирилган статистик маълумотларни<br>“НУҚУҚ УСТУВОРЛИГИ” ААТга киритади.                                                      | Ҳар йили 1 февралда       |
|           | Адлия вазирлиги<br>ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат<br>тадқиқот институти,<br>“Ижтимоий фикр”<br>республика жамоатчилик<br>фикрини ўрганиш маркази | “НУҚУҚ УСТУВОРЛИГИ” ААТ орқали аҳоли ва<br>экспертлар ўртасида сўров ўтказади.                                                      | Ҳар йили 1 мартга қадар   |
| 2-босқич  | Адлия вазирлиги                                                                                                                             | Тизимга киритилган маълумотларни умумлаштирган<br>ҳолда ўтган ҳисобот йили учун Худудларнинг ҳуқуқ<br>устуворлиги индексини тузади. | Ҳар йили 1 майга<br>қадар |

|          |                                                                                                                                                                                                                                                         |                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |                                                                              |
|----------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|
| 3-босқич | Адлия вазирлиги                                                                                                                                                                                                                                         | Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси<br>натижалари бўйича ахборотни Ўзбекистон<br>Республикаси Президенти Администрацияси, Олий<br>Мажлис палаталари, Халқаро рейтинг ва индекслар<br>билан ишлаш бўйича республика кенгашига<br>киритади ҳамда оммавий ахборот воситалари<br>орқали эълон қилади. | Хар йили 15 майга қадар                                                      |
| 4-босқич | Ўзбекистон Республикаси<br>Олий Мажлиси<br>палаталари, Халқаро<br>рейтинг ва индекслар<br>билан ишлаш бўйича<br>республика кенгаши,<br>Қорақалпоғистон<br>Республикаси Жўқорғи<br>Кенгеси, вилоятлар ва<br>Тошкент шаҳар халқ<br>депутатлари Кенгашлари | Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси<br>натижалари бўйича ахборотни ўз мажлисларида<br>муҳокама қилиб боради.                                                                                                                                                                                      | Худудларда ҳуқуқ<br>устуворлиги индекси эълон<br>қилингандан сўнг 1 ой ичида |
| 5-босқич | Адлия вазирлиги                                                                                                                                                                                                                                         | Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексида паст<br>кўрсаткичларга эга бўлган субъектларни аниқлайди,<br>тегишли индикаторларни таҳлил қилади ва уларнинг<br>сабабларини ўрганади.                                                                                                                      | Доимий равишда                                                               |
| 6-босқич | Марказий давлат ҳокимияти<br>ва бошқаруви органлари                                                                                                                                                                                                     | Аниқланган камчиликларни бартараф этиш<br>юзасидан аниқ таклифлар ва чора-тадбирлар ишлаб<br>чиқади ҳамда уларни амалга ошириш чораларини<br>кўради.                                                                                                                                                 | Доимий равишда                                                               |

Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги аниқлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

Хуқуқ устуворлиги индикаторларини баҳолаш мезонлари ва маълумотларни шакллантириш  
ТАРТИБИ

| Т/р                                            | Индикаторлар                                                     | Т/р   | Субиндикаторлар                    | Т/р     | Баҳолаш мезонлари                                                              | Маълумотларни шакллантириш манбалари (статистика*/сўров**) | Маълумотларни шакллантириш ва киритишга масъул идора ва ташкилотлар         |
|------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------|-------|------------------------------------|---------|--------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|
| 1. Худудларда қонун ҳужжатларига риоя қилиниши |                                                                  |       |                                    |         |                                                                                |                                                            |                                                                             |
| 1.1.                                           | Қонун ва қонуности ҳужжатлар-нинг худудларда ижро этилиши аҳволи | 1.1.1 | Ижтимоий қонунчиликка риоя этилиши | 1.1.1.а | Таълим тизимида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони                       | статистика                                                 | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги                                            |
|                                                |                                                                  |       |                                    | 1.1.1.б | Соғлиқни сақлаш соҳасида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони              | статистика                                                 | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги                                            |
|                                                |                                                                  |       |                                    | 1.1.1.в | Ижтимоий ҳимоя соҳасига оид аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони           | статистика                                                 | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги                                            |
|                                                |                                                                  | 1.1.2 | Меҳнат қонунчилигига риоя этилиши  | 1.1.2.а | Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони | статистика                                                 | Бош прокуратура, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги |
|                                                |                                                                  |       |                                    | 1.1.2.б | Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги аниқланган                                        | статистика                                                 | Бош прокуратура, Бандлик ва меҳнат                                          |

| Т/р | Индикаторлар | Т/р   | Субиндикаторлар                    | Т/р     | Баҳолаш мезонлари                                                           | Маълумотларни шакллантириш манбалари (статистика*/сўров**) | Маълумотларни шакллантириш ва киритишга масъул идора ва ташилотлар                                                         |
|-----|--------------|-------|------------------------------------|---------|-----------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     |              |       |                                    |         | қонун бузилиши ҳолатлари сони                                               |                                                            | муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги                                                                                   |
|     |              |       |                                    | 1.1.3   | Тадбиркорлик соҳасидаги аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони            | статистика                                                 | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил |
|     |              | 1.1.4 | Экологик қонунчиликка риоя этилиши | 1.1.3.6 | Солиқ соҳасидаги аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони                   | статистика                                                 | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси                                                                    |
|     |              |       |                                    | 1.1.4.а | Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони | статистика                                                 | Бош прокуратура, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси                                                  |
|     |              |       |                                    | 1.1.4.б | Чиқиндиларга оид соҳадаги аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони          | статистика                                                 | Бош прокуратура, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза                                                                        |
|     |              |       |                                    |         |                                                                             |                                                            |                                                                                                                            |

| Т/р | Индикаторлар | Т/р   | Субиндикаторлар                                                     | Т/р     | Баҳолаш мезонлари                                                                   | Маълумотларни шакллантириш манбалари (статистика* / сўров**) | Маълумотларни шакллантириш ва киритишга масъул идора ва ташкилотлар                            |
|-----|--------------|-------|---------------------------------------------------------------------|---------|-------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     |              |       |                                                                     |         |                                                                                     |                                                              | қилиш давлат қўмитаси                                                                          |
|     |              | 1.1.5 | Уй-жой, коммунал ва йўл хўжалиги соҳасида қонунчиликка риоя этилиши | 1.1.5.а | Уй-жой соҳасидаги аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони                          | статистика                                                   | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги |
|     |              |       |                                                                     | 1.1.5.б | Электр энергияси таъминотида оид аниқланган қонун нормалари бузилиши ҳолатлари сони | статистика                                                   | Бош прокуратура, Энергетика вазирлиги                                                          |
|     |              |       |                                                                     | 1.1.5.в | Газ таъминотида оид аниқланган қонун нормалари бузилиши ҳолатлари сони              | статистика                                                   | Бош прокуратура, Энергетика вазирлиги                                                          |
|     |              |       |                                                                     | 1.1.5.г | Ичимлик суви таъминотида оид аниқланган қонун нормалари бузилиши ҳолатлари сони     | статистика                                                   | Бош прокуратура, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги                                     |
|     |              |       |                                                                     | 1.1.5.д | Автомобиль йўллари соҳасидаги аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони              | статистика                                                   | Бош прокуратура, Транспорт вазирлиги                                                           |

| Т/р  | Индикаторлар                                     | Т/р   | Субиндикаторлар                                                                               | Т/р     | Баҳолаш мезонлари                                                                                                                             | Маълумотларни шакллантириш манбалари (статистика*/сўров**) | Маълумотларни шакллантириш ва киритишга масъул идора ва ташилотлар                                                                                                                    |
|------|--------------------------------------------------|-------|-----------------------------------------------------------------------------------------------|---------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1.2. | Маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилиши ҳолати. | 1.2.1 | Фаолиятни лицензиялаш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши                                    | 1.2.1.a | Лицензия олиш жараёнидан ўтган тадбиркорларнинг тегишли тартиб-таомилга риоя этилишидан қаноатланиши                                          | Тадбиркорлар ўртасида сўров                                | Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги |
|      |                                                  |       |                                                                                               | 1.2.1.6 | Фаолиятни лицензиялаш соҳасидаги аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари                                                                          | статистика                                                 | Бош прокуратура                                                                                                                                                                       |
|      |                                                  | 1.2.2 | Тадбиркорлик фаолиятидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши | 1.2.2.a | Тадбиркорлик фаолиятидаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан фойдаланган тадбиркорларнинг тегишли тартиб-таомилга риоя этилишидан қаноатланиши | Тадбиркорлар ўртасида сўров                                | Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази                                                         |



| Т/р | Индикаторлар | Т/р   | Субиндикаторлар                                                             | Т/р     | Баҳолаш мезонлари                                                                                                                       | Маълумотларни шакллантириш манбалари (статистика* / сўров**) | Маълумотларни шакллантириш ва киритишга масъул идора ва ташкилотлар                                                                    |
|-----|--------------|-------|-----------------------------------------------------------------------------|---------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     |              |       |                                                                             |         |                                                                                                                                         |                                                              | Адлия вазирлиги<br>ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги                                                                              |
|     |              |       |                                                                             | 1.2.2.6 | Тадбиркорлик фаолиятидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ҳолатлари                       | статистика                                                   | Бош прокуратура                                                                                                                        |
|     |              | 1.2.3 | Сертификатлаш-тириш, стандартлаш-тириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши | 1.2.3.а | Сертификатлаштириш, стандартлаштириш билан боғлиқ жараёндан ўтган тадбиркорларнинг тегишли тартиб-таомилга риоя этилишидан қаноатланиши | Тадбиркорлар ўртасида сўров                                  | Адлия вазирлиги<br>ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти,<br>"Ижтимоий фикр" республика жамоатчилиги<br>фикрини ўрганиш маркази |
|     |              |       |                                                                             | 1.2.3.б | Сертификатлаштириш, стандартлаштириш соҳасидаги аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони                                                | статистика                                                   | Бош прокуратура                                                                                                                        |

| Т/р  | Индикаторлар                                   | Т/р   | Субиндикаторлар                                                                             | Т/р     | Баҳолаш мезонлари                                                                                                      | Маълумотларни шакллантириш манбалари (статистика*/сўров**) | Маълумотларни шакллантириш ва киритишга масъул идора ва ташилотлар                                                                                                                    |
|------|------------------------------------------------|-------|---------------------------------------------------------------------------------------------|---------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|      |                                                | 1.2.4 | Давлат хизматлари кўрсатилишида қонун ҳужжатларига риоя этилиши                             | 1.2.4.а | Давлат хизматларидан фойдаланган фуқаролар ва тадбиркорларнинг тегишли тартиб-таомилларга риоя этилишидан қаноатланиши | Тадбиркорлар ўртасида сўров                                | Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги |
|      |                                                |       |                                                                                             | 1.2.4.б | Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ҳолатлари                                      | статистика                                                 | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги                                                                                                                                                      |
| 1.3. | Мулк ҳуқуқи дахлсиз-лигининг таъминланганлиги. | 1.3.1 | Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилишида қонунчиликка риоя этилиши | 1.3.1.а | Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйишда қонунчиликка риоя этилишидан фуқароларнинг қаноатланиши | сўров                                                      | Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги                                                                                 |

| Т/р                                                        | Индикаторлар                                                                            | Т/р   | Субиндикаторлар                                                                                                | Т/р     | Баҳолаш мезонлари                                                                                                                           | Маълумотларни шакллантириш манбалари (статистика*/сўров**) | Маълумотларни шакллантириш ва киритишга масъул идора ва ташкилотлар фикрини ўрганиш маркази                                      |
|------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------|-------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                            |                                                                                         |       |                                                                                                                | 1.3.1.6 | Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилишида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони                                  | статистика                                                 | Олий суд,<br>Молия вазирлиги                                                                                                     |
| <b>2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши</b> |                                                                                         |       |                                                                                                                |         |                                                                                                                                             |                                                            |                                                                                                                                  |
| 2.1.                                                       | Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қийноқлар ва асоссиз ушлаб туриш ҳолатлари. | 2.1.1 | Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳибсга олиш ва сўроқ қилиш пайтида шахсни қийноққа солиш ҳолатлари | 2.1.1.а | Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳибсга олиш ва сўроқ қилиш пайтида шахсни қийноққа солиш ҳолатларига дуч келган фуқаролар улуши | сўров                                                      | Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти,<br>“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази |
|                                                            |                                                                                         |       |                                                                                                                | 2.1.1.6 | Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳибсга олиш ва сўроқ қилиш пайтида шахсни қийноққа солишга оид аниқланган ҳолатлар сони         | статистика                                                 | Бош прокуратура,<br>Олий суд,<br>Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)                                                        |

| Т/р  | Индикаторлар                                                                           | Т/р   | Субиндикаторлар                                                                     | Т/р     | Баҳолаш мезонлари                                                                                                                                            | Маълумотларни шакллантириш манбалари (статистика* / сўров**) | Маълумотларни шакллантириш ва киритишга масъул идора ва ташкилотлар                                                            |
|------|----------------------------------------------------------------------------------------|-------|-------------------------------------------------------------------------------------|---------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|      |                                                                                        | 2.1.2 | Шахсни асоссиз ушлаб туриш ҳолатлари                                                | 2.1.2.а | Асоссиз ушлаб туриш ҳолатларига дучор бўлган фуқаролар улуши                                                                                                 | сўров                                                        | Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази  |
|      |                                                                                        |       |                                                                                     | 2.1.2.б | Шахсни асоссиз ушлаб туриш ҳолатлари бўйича келиб тушган шикоятлар сони                                                                                      | статистика                                                   | Бош прокуратура, Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)                                                            |
| 2.2. | Ҳумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳуқуқларини амалга оширишда тўсиқларнинг | 2.2.1 | Ҳумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг адвокат билан таъминланган-лиги аҳоли | 2.2.1.а | Ўзи ёки ўзи бевосита билувчи кишиларнинг ҳумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи сифатида адвокат билан таъминланганлигидан қаноатланмаган фуқаролар улуши | сўров                                                        | Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, |

